



31-оят. «Эй Одам болалари, хар бир сажда чогида зийнатланингиз (яъни тоза либосда бўлингиз) хамда (хохлаганингизча) еб-ичаверинглар, факат исроф килманглар. Зотан, У исроф килгувчи кимсаларни севмас».

Икрима ибни Аббосдан ривоят килади: – Аъробийлардан айрим кишилар Каъбани ялангоч холда тавоф килар эди. Хаттоки аёл киши хам ялангоч ибодат киларди. Остига тасма илиб оларди. У худди пашшадан химоя килиш учун эшакларнинг юзига кўйиладиган тасмага ўхшарди. Шу холатда кўйидаги шеърни айтарди:

Бугун баъзиси ёки хаммаси кўринди.

Ундан кўринган нарсани халол санамайман.

Шунда Аллох ушбу оятни нозил килиб кийим кийишга буюрди.

Ибн Абдуррахмон ибн Маслама айтади: – Улар ўзлари ўйлаб топган динларида, агар хаж килиб Минодан тушсалар, ҳеч кимга иккита кийим билан тавоф килиш мумкин эмасди. Кайсилари тавоф килса, токи тавофи тугагунча кийимларини ечиб кўярди ва ялангоч бўларди. Шунда Аллох улар хақида ушбу оятни «...шундай килиб оятларни биладиган кавмларга муфассал баён килурмиз», сўзигача нозил килди. Бу оят Каъбани ялангоч тавоф килувчилар хақида нозил бўлган.

Калбий айтади: – Жоҳилият ахллари хаж киладиган кунларида факат бир лукмагина таом ер эдилар. Ёғ эмасдилар. Бу билан хажларини улуглардилар. Буни кўриб мусулмонлар: «Эй Расулulloх, бундай килишга биз улардан хаклирокмиз», дейишди.

Шунда Аллох айтди: «Енглар, гўшти хам енглар ва ичимликлар хам ичинглар».

Саид ибн Жубайр ибни Аббосдан ривоят килади: – Жоҳилиятда аёл киши Каъбани ялангоч холда тавоф киларди. Фаржига бир парча латта кўярди. У: «Бугун баъзиси ёки хаммаси кўринди. Ундан кўринганини халол санамайман», деб шеър ўқирди. Шунда Аллох ушбу оятни нозил килди. Ва кийим кийишга буюрди.

175-оят. «(Эй Мухаммад алайхиссалом), уларга (яхудийлар) бир кимсанинг хабарини тиловат килинг – у кимсага оятларимизни билдирган эдик. Бас, у ўша оятларимиздан четлангач (яъни уларга амал килмагач), уни шайтон эргаштириб кетиб, йўлдан озгувчилардан бўлиб колди».

Ибни Аббос ва баъзи муфассирлар: «У Балъам ибн Базуродир», дейишади.

Ибни Масъуд айтади: – Бу оят Балъам ибн Базуро деган Бани Исроилдан бўлган киши хақидадир.

Волибий айтади: У золимлар шахридаги Балъам исмли кишидир. У Аллохнинг улуг исмларини билар эди. Уларнинг шахрига Мусо алайхиссалом келгач, Балъамнинг олдига

кавми ва амакиларининг ўгиллари келишиб: «Мусо – жуда каттиккўл одам, унинг кўп аскарлари бор. Агар у бизнинг устимиздан хукмрон бўлса, бизни халок қилади. Сен Аллохга дуо қил, У Мусо ва шерикларини биздан қайтарсин», дейишди. У: «Агар мен Мусо ва шерикларини биздан қайтаришини Аллохдан сўрасам, дунё ва охиратим куйиб кетади», деди. Улар каттик кистайвергач, у дуо қилди. Шунда Аллох ундан дуосининг ижобат бўлиш хусусиятини тортиб олди.

Абдуллох ибн мр ибн Ос ва Зайд ибн Асламлар айтишади: – Бу оят Умайя ибн Салт Ас-Сакафий хакида нозил бўлган. У илимли киши бўлиб мана шу пайтда Пайгамбар келишини биларди. Юбориладиган Пайгамбар ўзи бўлишини жуда хохларди. Аллох Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)ни Пайгамбар қилиб юборгач, хасад қилиб у кишига кофир бўлди.

Икрима ибни Аббосдан айтади: – У учта дуоси ижобат қилинадиган кишидир. Унинг Басус исми хотини бор, бўлиб уни севарди. Хотини: «Шу дуоларингни биттасини мен учун қилгин», деди. У «Биттаси сеники, нима буюрасан», деди. У: «Аллохга дуо қил, мени бани Исроилдаги энг чиройли аёл қилсин», деди. Аёл бани Исроилда ўзидан чиройли аёл йўклигини билгач, эридан юз ўгириб, бошқасини хохлади. Шунда эри унинг зарарига дуо қилиб, корпагон итга айлантириб қўйди. Шу билан иккинчи дуо ҳам кетди. Аёлнинг болалари келиб: «Биз бунга чидай олмаймиз. Онамиз копагон итга айланиб қолди. Одамлар буни бизга таъна қилишади. Аллохга дуо қилинг, уни ўз холига қайтарсин», дейишди. Аллохга дуо қилди ва энг аввалги холатига қайтди. Шу билан учинчи дуо ҳам кетди. Аёл ўша аввалги Басус бўлиб қолди. Касофатли нарсаларда зарбулмасал қилиб «Басусдан ҳам касофатлисан...», дейиладиган бўлди.

187-оят. «(Эй Мухаммад алайхиссалом), Сиздан соат (яъни Киёмат) қачон воқе бўлади? деб сўрайдилар. Айтинг: «Унинг билими фақатгина Парвардигорим даргоҳидадир. Вақти-соати келганида ҳам, билиб фақат Ўзи ошкор қилур. У (яъни Киёмат) самоват ва Ер учун жуда оғир (дахшатли бир ишдир). У сизларга фақат тўсатдан – қутилмаганда қелур». Гўё Сиз у ҳақда яхши биладигандек сўрайдилар. Айтинг: «(Киёмат соати қачон қоим бўлиши хақидаги) билим фақатгина Аллох даргоҳидадир. Лекин жуда кўп одамлар (буни) билмайдилар».

Ибни Аббос (розияллоху анху) айтади: – Жабао ибн Абу Кушайр ва Шамвол ибн Зайд исми яҳудийлар: «Эй Мухаммад, айт-чи, Киёмат қачон? Агар сен Пайгамбар бўлсанг, унинг қачон бўлишини биласан», дейишди. Шунда Аллох ушбу оятни нозил қилди. Курза ибн Хассон айтади: – Абу Мусодан жума куни Басранинг минбаридан туриб шундай айтаётганини эшитдим: «Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)дан киёмат хақида сўралди. Мен гувоҳ бўлиб тургандим. У киши: – Аллохдан бошқа ҳеч қим киёматни билмайди. Вақти келганда фақат Аллохнинг ўзигина уни қоим қилади. Юзага чиқаради. Лекин мен сизларга унинг шартларини ва унинг олдидан бўладиган нарсаларни айтиб бераман. Унинг олдидан кетма-кет узлуксиз фитналар ва хараж бўлади», дедилар. Хараж нима? – деб сўрашди. У киши «Хабашларнинг тилида «Катл», деганидир», дедилар. Одамларнинг қалблари сиқилиб қолади. Уларнинг орасида бегоналашиш пайдо бўлади. Бир киши бошқа бир биродарини танимасликка олади. Ақлли фаросатли одамлар қолмайди. Одамларнинг яхшиликни билмайдиган, ёмонликдан қайтмайдиган бефахмлари қолади».

188-оят. «Айтинг: «Мен ўзимга ҳам бирон фойда ёки зиён етказишга эга эмасман. Магар

Аллох хохлаган иш бўлур. Агар гайбни билганимда эди, яхши амалларни кўпайтирган бўлур эдим ва менга бирон ёмонлик – зиён етмаган бўлур эди. Мен факат иймон келтирадиган кавм учун (дўзах азобидан) огохлантиргувчи ва (жаннат неъматлари хакида) хушxabар бергувчиман, холос».

Калбий айтади: – Макка ахли: – Эй Мухаммад, Роббинг сенга нархлар кўтарилишидан илгари паст нархларнинг хабарини бермайдими? Шунда сен нарсаларни сотиб олиб, фойда кўрардинг. Унумсиз ерларнинг хабарини бермайдими? Шунда сен у ердан унумдор ерларга кўчиб кетардинг, – дейишди. Шунда Аллох ушбу оятни нозил килди.

189-191-оятлар. «(Аллох) шундай Зотдирки, сизларни бир жондан (Одамдан) яратди ва у ором-осойиш топсин, деб унинг ўзидан жуфтани вужудга келтирди. (Одам) унга кўшилганидан кейин у (Хавво) енгил юк (хомила) билан юклик бўлиб, ўша (юк) билан юрди. Бас, қачонки огирлашганида, (улар) Парвардигорлари – Аллохга дуо килдилар: «Қасамки, агар бизга солих фарзанд ато килсанг, албатта, шукр килувчилардан бўлурмиз». Энди (Аллох) уларга солих (фарзанд) ато этганидан кейин, унга (Унинг) Ўзи ато этган нарсада (яъни болага ном кўйишда), ширк келтира бошладилар. Бас, Аллох уларнинг ширк келтирган нарсаларидан Юксақдир. Хеч нарсани ярата олмайдиган, балки ўзи яратилувчи бўлган нарсаларни (Аллохга) ширк киладиларми?!»

Мужохид айтади:– Одам алайхиссалом ва хотинининг болалари турмас эди. Шунда шайтон иккаласига: «Агар болангиз тугилса, Абдул Хорис, деб исм кўйинглар», деди. Илгари шайтоннинг исми Хорис эди. Улар шундай килишди. Аллохнинг юкоридаги ояти шу хакидадир.

204-оят. «Қачонки Куръон кироат килинса, унга кулок тутингиз ва жим турингиз – шояд, (Аллох тарафидан) рахматга сазовар бўлсангизлар».

Абу Хурайра (розияллоху анху) айтади: Бу оят намозда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг оркаларида туриб овозларини баланд кўтариб гапирувчилар хакидадир.

Кутода айтади: – Намоз фарз килинган аввалги пайтларда намозларида гапиришарди. Бир киши келиб намозда турган хамрохига «Қанча ракъат ўкидинглар?» дер эди. У хам жавоб кайтарарди. Шунда Аллох ушбу оятни нозил килди.

Зухрий айтади: – Бу оят бир ансорий йигит хакида нозил бўлган. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) хар сафар куръон ўкисалар, у хам ўкирди. Шунда ушбу оятни нозил бўлди.

Ибни Аббос (розияллоху анху) айтади: Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) фарз намозда куръон ўкирдилар. Сахобалар хам оркаларидан овозларини кўтариб ўкишар ва Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг овозлари биланг аралашиб кетарди. Шунда ушбу оятни нозил бўлди.

Саид ибн Жубайр, Жубайр, Мужохид, Ато, Амр ибн Диноа ва бошқалар айтади: – Бу оят жума куни хутба ўкилаётганда имомга кулок солиб сукут саклаш хакида нозил бўлган.